
БАҒДОДЛИК ДОИРАЧИЛАР НУФУЗЛИ КЎРИК-ТАНЛОВДАГИ ИШТИРОКИНИ БОШЛАШДИ

Бағдод туманидаги 16-болалар мусиқа ва санъат мактабининг доира синфи ўқувчилари ҳамда маданият бўлимида ташкилланган доирачилар тўғараги аъзолари 11-12 май кунлари пойтахт – Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўтказилиши белгиланган “Зарб-2022” Республика доирачилар кўрик-танловидаги иштирокини бошладилар. Бўлим раҳбари Ахроржон Ҳатамовнинг бу ҳақда тезкор ахборот берди.

- Вилоятимиздан ягона вакил сифатида қатнашаётган ёш доирачилар жамоасига 16-болалар мусиқа ва санъат мактабининг моҳир ўқитувчиси Анваржон Насирдинов ҳамда бўлимимизнинг тўғарак ишларини ташкил этиш бўйича мутахассиси Лутфилло Мамасиддиқов бошчилик қилмоқда, - дейди А.Ҳатамов. – Бу танлов туманимиз ёш доирачиларига янгилик эмас: улар 2019 йилда ҳам худди шу танловда муносиб қатнашиб, яқунда 3-ўринни қўлга киритишган. Устозларимизнинг салоҳияти ва доирачиларимизнинг иқтидори бу сафар янаям юқори ўринларга “тортади”, деб умид қиляпмиз.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда Ўзбекистон Доирачилари жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида таъсис этилган мазкур кўрик-танлов ансамбль ва яқка ижрочилик йўналишларида ўтказилади.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2022-05-11 20:27:43